

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА
ФАРМАЦИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
(ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА)
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)
«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ,
НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»**

обеспечить компенсацию стоимости антиангинальных ЛС на общегосударственном уровне в Украине.

Литература: 1. Зупанець І. А. Клінічна фармація : підруч. для студ. вищ. навч. закл. / І. А. Зупанець [та ін.]; за ред. В. П. Черних, І. А. Зупанця, І. Г. Купновицької; Нац. фармац. ун-т. - Х. : Золоті сторінки, 2013. – 909 с. 2. Рекомендації Європейського кардіологічного товариства, Європейського товариства по вивченню атеросклерозу, Європейського товариства по вивченню гіпертонії. Профілактика ІБС в Клінічній практиці. — інтернет сайт www.pedug.ru, 2004. 3. Приказ МОЗ України № 672 от 31.08.12. «Про затвердження реєстру граничного рівня оптово-відпускних та порівняльних (референтних) цін на лікарські засоби для лікування осіб з гіпертонічною хворобою станом на 1 вересня 2012 року».

Зайнутдинов Х.С., Умарова З.Ф., Хамидова М.О.

АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ НОМЕНКЛАТУРАСИНИНГ ТАХЛИЛИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: pharmi@pharmi.uz

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси фармацевтик бозорининг ката сегментини ташкил этган артериал гипертензия (АГ) касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ассортиментининг контент тахлилининг ўтказиш изланишимизнинг мақсадини ташкил этди.

Усуллар: Қўйилган мақсадга эришиш учун “Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари давлат реєстри”да келтирилган маълумотлар асосида артериал гипертензия касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситалари ассортиментининг контент тахлили усулида ўрганилди.

Натижалар: Антигипертензив дори воситалари ассортиментининг 2010-2014 йилларда ўзгариш динамикаси тахлили асосида Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган препаратлар сони 2010 йилда 296 та, 2011 йилда 302 та, 2012 йилда 311 та, 2013 йилда 317 та ва 2014 йилга келиб 349 та савдо номида дори воситаларга тўғри келиши аниқланди. Шундан хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан ўтган дори воситалари 5 йил ичида 165 савдо номидан 209 тага, ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан ўтган дори воситалари 40 тадан 57 тага ошгани аниқланди.

Шу билан бирга фармацевтик ассортиментининг янгилаinish индекси аниқланди. Артериал гипертензия касаллигида ишлатиладиган дори воситаларининг янгилаinish индексини ҳисоблаб топиш учун куйидаги формуладан фойдаланилди: $I_{я} = N_{я} / N_{ум} = 104 / 349 = 0,3$

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланинга руҳсат этилган артериал гипертензия касаллигини даволашда ишлатиладиган дори воситаларининг умумий миқдори ишлаб чиқарувчи фирма ва дозаларнинг хилма-хиллиги билан бирга ҳисобланганда савдо номи бўйича 317 та препаратдан ташкил топгани ва бу халқаро патентланмаган номи (ХПН) бўйича 46 та дори воситасига тўғри келиши аниқланди. Улардан 209 та (60%) хорижий, 83 таси (24%) МДХ давлатларидан келтирилгани ва 57 та (16%) дори воситалари Республикамизда ишлаб чиқарилиши аниқланди.

Хориждан келтириладиган АГ касаллигида ишлатиладиган дори воситаларининг асосий улуши Хиндистоннинг етакчи фирмалари ишлаб чиқарган дори воситаларига тўғри келиб, умумий ассортиментининг 15% ини ташкил этади. Шу билан бирга Словения (10%), Германия (7%), Венгрия (6%), Италия (3%), Франция (3%) каби давлатлар фармацевтик фирмаларининг АГ касаллигида қўлланиладиган дори воситалари ассортиментининг салмокли улушини ташкил этгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикасига МДХ давлатларидан келтирилган АГ касаллигида ишлатиладиган дори воситаларининг тахлили асосида Россия 25 та (АГ касаллигида қўлланиладиган дори воситаларининг умумий сонидан 7%) Украина 28 та, (8%), Беларусия 13 та (4, %), Грузия 8 та (2,3%) препаратни рўйхатдан ўтказиб етакчилик қилаётганлари аниқланди.

АГ касаллигида қўлланиладиган дори воситалари дори шакли бўйича тахлил қилинганда умумий ассортиментининг 90% и энтерал препаратлар бўлиб, 10% и парентерал дори турларидан ташкил топгани аниқланди(1-расм).



1-расм. Антигипертензив дори воситаларининг дори шакли бўйича тахлили.

Хулосалар: АГда ишлатиладиган дори воситалари ассортиментини контент тахлили усулида ўрганилди. Тахлил асосида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган АГда ишлатиладиган дори воситалари ассортиментининг таркибий тузилиши, кенглиги, янгиланиш индекси, ҳамда дори шакли, давлатлар ва ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг улушлари аниқланиб, номенклатуранинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди. Охириги уч йил ичида АГда ишлатиладиган дори воситалари ассортиментини сезиларли даражада 38% га янгиланишида Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчи фирмалари янги дори воситаларини рўйхатдан ўтказиб, етакчилик қилаётгани аниқланди.

Алабиётлар: 1. Ерофеев С.Б., Белоусов Ю.Б. Место β-адреноблокатора бисопролола в лечении артериальной гипертензии // Фарматека.-Москва, 2004.-№6.- С.23-26. 2. Зайнутдинов Х.С., Умарова З.Ф. Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган антигипертензив дори воситалари номенклатурасининг тахлили // Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси. – Тошкент, 2012. – №1. – С.10-13. 3. Кобалева Ж.Д. Артериальная гипертония 2000: ключевые аспекты диагностики, профилактики, клиника и лечения // Под ред. В.С. Моисеева.-Москва.-2000.- С.256.

Зияева М.Н., Рахматжоновна Д.Б., Содиқова Г.Э.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БОГЛОВ ВОСИТАЛАРИ АССОРТИМЕНТИНИНГ ТАХЛИЛИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: pharmi@pharmi.uz

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида фармацевтика хизматининг пазорат рухсатнома тизими яратилган бўлиб, бу тизим дори воситалари ва тиббиёт буюмларини амалиётда қўллаш учун рухсат бериш ва тадбиқ этиш босқичида тулақонли ўрганишни таъминлайди. Бугунги кунда боғлов воситалари тиббиёт буюмларининг ажралмас қисми бўлиб, уларнинг асосий қисмини бинт, момик, дока ва турли мақсадлар учун мўлжалланган пластырлар ташкил этади. Бу каби боғлов воситалари асосан жаррохлик амалиётида жароҳатларни турли суюқликлардан тозалашда, турли инфекциялар тушишини олдини олишда ва жаррохликдан кейинги операциялардан сўнги даврда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган, ҳамда чет элдан кириб келган ва ишлатишга рухсат этилган боғлов воситалари бир нечта кўрсаткичлар бўйича тахлилининг ўтказиш изланишимизнинг мақсадини ташкил этди.

Усуллар: Мақсадга эришиш учун 2015 йил №19 сонли “Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестри”да келтирилган маълумотлар асосида боғлов воситалари ассортиментининг контент тахлили ўтказилди.